



“15” 11 2022 йил

01-10/6536-сон

Вазирлик ва идораларга
(*рўйхат бўйича*)

Олий таълимдан кейинги таълим
институтлари мавжуд
ташкilotларга
(*рўйхат бўйича*)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарорига мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига танловларда миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартибини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси томонидан жорий йил 4 ноябрдаги 02-РА 1/1-1672-сон топшириғи билан тегишли кўрсатмалар берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Ариповнинг 2022 йил 5 ноябрдаги 24/1-2878-сон топшириғида жорий йил якунига қадар талабгорларнинг тил сертификатини олиш имтиҳонларини ташкил этиш белгиланган.

Мазкур топшириқларга мувофиқ Давлат тест маркази томонидан 2022 йил 9 ноябрдаги 84-02-7059-сон хатига биноан Ягона интерактив давлат хизматлари портали **my.gov.uz** орқали рўйхатдан ўтган ва докторантурага ҳужжат топширган талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган тақдирда, улар учун **алоҳида хорижий тилни билиш даражасини аниқлаш малака имтиҳонлари ташкил этилиши маълум қилинган.**

Шу муносабат билан, **2 кун муддатда** олий таълимдан кейинги таълим институтларига танловларда иштирок этиш учун ҳужжат топширган талабгорларни (миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга талабгорлар бундан мустасно) белгиланган тартибда **my.gov.uz** порталидан рўйхатдан ўтказиш чораларини кўришингизни сўраймиз.

Шу билан бирга, 2023 йил учун ажратилган квоталар тўлиқ ўзлаштирилмай қолиши эҳтимоли мавжудлиги боис **бир ой муддатда** тасарруфингиздаги илмий ва таълим ташкilotлари (олий таълимдан кейинги таълим институтлари мавжуд ташкilotлар) миллий ёки унга мос даражадаги

халқаро сертификатга эга бўлмаган талабгорларни тил сертификатини олиш чораларини кўриш сўралади.

Ушбу топшириққа мувофиқ факатгина миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлган талабгорларнинг хужжати қабул қилиниши ҳамда сертификати мавжуд бўлмаган талабгорлар кириш имтихонларида иштирок этмаслиги маълум қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хорижий тилни билиш даражасидан қатъи назар, миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат олган талабгорларни докторантурага кириш танловида иштирок этишини таъминлаш сўралади.

Вазирлик ва идоралар томонидан тасарруфидаги илмий ҳамда таълим ташкилотларини юқорида кўрсатиб ўтилган топшириқлар ижросини таъминлашини назорат қилиш учун юборилмоқда.

Вазир



И.Абдурахмонов